
Данғара туманидаги барча мактабларда “Биринчи қўнғироқ” кенг нишонланди.

Данғара туманидаги барча мактабларда “Биринчи қўнғироқ” кенг нишонланди.

Бугун, 4 сентябрь куни Данғара туманидаги 43 та таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан “Янги ҳаёт учун, янги Ўзбекистон учун!” шиори остида “Биринчи қўнғироқ” тадбирлари ўтказилди.

2023-2024 ўқув йилида 3 минг 685 нафар болажонлар тумандаги умумтаълим мактабларининг 1-синфига қабул қилиниб уларга 12 турдаги ўқув қуролларидан ташкил топган Президент совғалари топширилди.

Данғара тумани ҳокими 7-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтган “Биринчи қўнғироқ” тадбирида иштирок этиб, устоз-мураббийлар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини янги ўқув йили бошланиши билан табриклаб ўтди.

2023-09-04 17:50:30